



Federal atrof muhit, tabiatni
muhofaza qilish va yadro
reaktorlari xavfsizligi vazirligi



Succow
Stiftung



INTERNATIONAL
CLIMATE INITIATIVE (IKI)

giz

Deutsche Gesellschaft
für internationale
Zusammenarbeit (GIZ) GmbH

tomonidan qo'llab-quvvatlanmoqda

«Ердан фойдаланишда экотизимили ёндашув ва Амударё қуий
оқимидағы экотизимларни сақлаш» Лойиҳаси


М. А. Грицина, Н. В. Мармазинская ва Т. В. Абдураупов

МАҲАЛЛИЙ АҲОЛИ ВА БУХОРО БУГУЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ЗИДДИЯТНИ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРСА БЎЛАДИГАН ЧОРА- ТАДБИРЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ОБЗОРИ



Кириш

Долзарблигига қарамай, Ўзбекистон Республикаси худудида ёввойи ҳайвонлар томонидан маҳаллий аҳолига етказилаётган зарарни реал баҳолайдиган ишлар, шунингдек, уни қисқартириш бўйича ишлаб чиқилиб, жорий этилган самарали чора-тадбирлар амалда мавжуд эмас. Ушбу хужжат эксперталар М. Грицина, Н. Мармазинская ва Т. Абдурапов томонидан тайёрланган ҳисботнинг қисқача версияси ҳисобланади. Куйи Амударё давлат биосфера резервати худудида ўтказилган тадқиқотлар доирасида фототузоқлар ўрнатилган, дала тадқиқотлари, аҳоли орасида сўров ва маҳаллий фермерлар билан семинар ўтказилган, буғуларга қарши энг оддий тўсиқнинг битта модели синовдан ўтказилган. Рус тилидаги ҳисботнинг тўлиқ версиясини КРАСС Хоразм агромаслаҳат маркази ([+998 62 2246671](mailto:+998622246671), krassngo@gmail.com) ёки Михаел Зукков Фонди (dilfuza.yuldasheva@succow-stiftung.de) дан расмий талаб қилиш мумкин.



Маҳаллий аҳоли ва буҳоро буғулари ўртасидаги зиддиятни олдини олиш бўйича амалга ошира бўладиган чора-тадбирларнинг қисқача обзори

Буҳоро буғуси Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига 1 (EN)- йўқолиб бораётган, маҳаллий тарқалган кенжа тур макомида киритилган. СИТЕСнинг II Иловасига киритилган. Трансчегаравий кўчманчи сифатида Бонн Конвенциясининг таъсири остига киради. Давлатларо даражада турни сақлаб қолиш ва тиклаш бўйича Дастур ва Ҳаракатлар режаси (2002) тасдиқланган.

Ўтмишда буҳоро буғуси Амударё ва Сирдарё ҳавзаларининг барча тўқайлари бўйлаб кенг тарқалган эди. Хозирги пайтда Ўзбекистондаги умумий сони – 2576-2686 та атрофида.

Буҳоро буғусининг Куйи Амударё биорезервидаги популяцияси йил сайн ортиб бормоқда ва, шубҳасиз, бу юргимиз учун фахрлидир. Лекин афсуски, бошқа томондан буғулар сонининг ортиши маҳаллий аҳоли

ҳаётига салбий таъсир кўрсатади. Буҳоро буғулари кунига 2-5 кг ем-хашак истеъмол қилишади ва озуқа етишмагандан улар ўсимликларни шиддат билан еб ташлашади. Натижада ўсимликларда яққол кўринадиган «ейилиш чизиги» вужудга келади ва ушбу чизикдан пастда янги куртаклар ёки жуда кам миқдорда, ёхуд умуман учрамайди. Резерват худудида озуқа етишмаслиги сабаби буғулар етиштирилаётган гўза, шоли, бўғдой ва маккажӯҳори экинларини еб ташлаб, фермер далаларини пайхон қиласди. Асосий зиддиятили зона резерват худуди бўйлаб- Коракалпогистон Республикасининг Амударё ва Беруний туманлари худудларида жойлашган. Резерват худудидаги буғулар сони 2000 дан ортик, озуқа ерларининг сигимидан ошиб кетган ва бу буғуларни тўқайлар чегарасидан чиқиб кетишининг асосий сабаби ҳисобланади.

Хуносалар

➔ Ушбу босқичда буғуларнинг далаларга чиқишини камайтиришга ёрдам берадиган энг самарали усул комбинацияланган ёндашувдир:
а) буғуларни Ўзбекистондаги мос келадиган ёки имкони бўлса чегарадош республикалар ҳудуларига тарқатиш;
б) Бадай-тўқай, Таллик ва Жумуртовнинг буфер зоналарида ем-хашак учун дала ва майдончаларни яратиш, шунингдек
с) яшил конвејерни кўллаш.

➔ Жаҳон амалиётлари буғуларнинг далаларга кириб кетишини узоқ муддатга олдини олишнинг энг яхши усули яхлит тўсиқ куриш эканлигини кўрсатади. Тўсиқнинг

баландлиги 2,4-2,5 м бўлиши керак. Арzonроқ ва ҳаммабоплари: тўқилган тўсиқ ([1-расм](#)), пластик бутилкалардан қилинган тўсиқ ([2-расм](#)), маҳаллий дарахт турларидан бунёд қилинган “жонли” тўсиқ ([3-расм](#)). Жамоа томонидан ўрнатилган тўсиқнинг ([4-расм](#)) содда конструкцияси самарасиз бўлиб чиқди ва фойдаланиш учун тавсия қилиб бўлмайди.

➔ Фермерлар кўл остиларидағи материаллардан (коплар, полиэтилен халталар, пластик бутилкалар, тўсиқларни қуриш ва бошк.) фойдаланиб далаларни мустакил ҳимоя қилишга харкат қилишади, аммо бу уринишлар самарасизdir. Бундан ташкири вегетациянинг



1-расм. Тўқилган панжара.



2-расм. Пластик идиши панжара.



3-расм. "Жонли" тўсиқ.



4-расм. Буғуга қарши панжара.

фаол даврида, сутканинг тунги пайтида далаларни кўриқлашади (тунги қоровуллар) ва бу буғуларни далаларга чиқишлари сонини аҳамиятли қисқартиради.

➔ Фермерлар далаларини химоя қилишлари учун амалга ошираётганлардан кўпроқ уринишларни бошлишлари эҳтимоли камдир. Кўпчилик ҳолларда фермерлар буғуларга нисбатан тажовузкор муносабат билдиришади.

➔ Буғуларнинг мунтазам равишда чиқишига дучор бўлаётган қишлоқ ҳўжалик далаларининг умумий майдони 3 034.33 гектарни ташкил қиласди. Шундан 2 286.02 гектари Таллик участкасига ва 748.31 гектари Жумуртов участкасига тўғри келади. Резерват чегараси

бўйлаб хозирда ишлов бериладиган зиддиятли далаларнинг узунлиги 63,38 километрни ташкил киласди.

➔ Буғуларнинг озиқланishi мақсадида қишлоқ ҳўжалик далаларига чиқадиган энг узоқ масофаси Таллик участкасида тахминан 4,5-5 км ва Жумуртов участкасида – 2,5-3 километрни ташкил киласди. Шунингдек, баҳор пайтида буғулар Нукусга борадиган автомобил трассасидан ўтишади ва озуқа излаб Султон-Увайс қолдиқ тогига чиқишиади. Бу тўқайдан 8-10 километрни ташкил этади.

➔ Буғуларни далаларга чиқишлари сони апрелда кўпайишни бошлиайди, май ойида авжига чиқади ва июнда камаяди. Буғулар

июлдан сентябргacha далаларга чиқмай кўйишиади. Октябрда чиқишлар тикланади. Чиқишларни далада экилган экин тури билан боғлиқ конунияти аниқланмади ва бу вегетация муддати ва далаларнинг тўқайларга нисбатан жойлашувига боғлиқдир.

➔ Чорва моллари далаларда июль-август ва октябрь-ноябрь ойларида кўп микдорда кузатилади.

➔ Буғулар йилнинг кайси фасли эканлигидан къатъий назар 9:00 дан 19:00 гача бўлган оралиқда далаларга чиқишмайди. Июлдан сентябргacha буғуларнинг далага чиқишлари кузатилмайди. Август ойининг охири- сентябр ойининг бошида буғуларда куйикиш даври бошлинади ва бу буғуларни тўқай массивлари чегарасидан чиқмасликларига олиб келади.

Маҳаллий аҳоли ва буҳоро буғулари ўртасидаги зиддиятни олдини олиш бўйича амалга оширига бўладиган чора-тадбирларнинг қисқача обзори

➔ Чорва молларини ўтлатиш тунги соат бирдан учгача ва тонгти 6 дан 7 гача бўлган оралиқдан ташқари, бутун сутка давомида қайд килинган. Чорва моллари далаларда факат сентябр ойи давомида кузатилмаган. Далаларда чорва молларини учрамаслиги нима билан боғлиқлигини айтиш мушкулдир.

➔ Буҳоро буғулари ва чорва молларининг фаоллик жадвалларига эътибор қаратилганда тўёқлилар сутка давомида ўзаро ўрин алмашишлари яққол кўринади – тунда асосан буғулар, кундузи эса – чорва моллари фаолдир. Шундай қилиб, қишлоқ ҳўжалик далаларида хакиқатда бутун сутка давомида экинлар туёқлилар томонидан у ёки бу даражада ейилиши ва пайхон қилиниши рўй беради.

Тавсиялар

➔ Далаларнинг биринчи (тўқайга энг яқин жойлашган) чизигида экишишларини қисқартириш, бутунлай тутатиш ёки экиладиган экин турларини алмаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси даражасида Амударё ва Беруний тумнлари ҳокимиятлари раҳбарлари билан музокаралар ўтказиш.

➔ Энг зиддиятли зоналарда буғуларни далаларга чиқишларини мунтазам мониторинг қилиб бориш; август-октябрь ойларида қишлоқ ҳўжалиги далалари атрофлариданда ҳудудларда бута ва дарахтларда эркак буғулар шохлари билан қолдирадиган тажир/синиқлар бор/

йўқлигини текшириб чиқиш. Ушбу ахборот уларни тарқалиши тўғрисида кўшимча маълумот беради.

➔ Зиддиятли зоналарда яшайдиган фермерлар ва маҳаллий аҳоли билан инсон ва ёввойи табиат ўртасидаги мавжуд зиддиятлар тўғрисида жамоатчилик хабардорлигини ошириш, зиддиятларни ҳал қилиш борасида маҳаллий потенциални яратиш, инновацион усулларни тарқатишга йўналтирилган таълим ишини ривожлантириш ва мақсади давом этириш. Қишлоқ аҳолисини амалий кўнкимларга ўқитиш уларга ёввойи фауна вакилларидан босимни самарали камайтириш, шунингдек, ўз экинлари ва уй чорвасини химоя



66F 19C 2019/10/24 10:24:33 65%

Пахта далаларида ўтлаётган сиғирларни томоша қилаётган одамлар.

қилиш учун янги инструментларни эгаллаш ва ишлаб чиқища ёрдам беради.


→ Махаллий ахоли ва бухоро буғулари ўртасидаги зиддиятни юмшатиш учун қишилк хўжалик экинларини экишда полоса кўринишидаги маълум схема муҳим тавсия бўлиши мумкин. Биз тўқайларга энг яқин жойлашган полосалардан (кенглиги таҳминан 500 м бўлган) буғулар учун озука далалари сифатида фойдаланишни таклиф киляпмиз. Кейинги (500 м) полосада – буғулар учун озука сифатида энг аҳамиятсиз бўлган итузумдошлар оиласига мансуб экинлар (картошка, помидорлар) экиш. Учинчي полосада ҳудудда талаб катта бўлган экинлар – гўза ва шолини экиш. Тўртинчи қатор – бугдой. Экин майдонларидан фойдаланишга нисбатан бундай ёндашув буғулар келтираётган зарарни салмоқли даражада камайтириши ва озука этишмаслиги билан боёлик муаммони қисман

ҳал қилиши мумкин. Бироқ, алмашиб экишғоясини сақлаб қолиш учун ушбу масалани агрономдан маслаҳат олган ҳолда батафсил ўрганиб чиқиши керак.

→ Бадай-Тўқай, Таллик ва Жумуртов ҳудудлари бўйлаб буғуларни бир текис тарқатиш ва уларни қишилк хўжалик далаларидан чалғитиш учун ем-хашак далалари ва озиқланиш майдончаларини ташкил қилиш схемасини ишлаб чиқиши.

→ Химоя тўсиқларини қуриш ва ўсимликлар экишда кўлдан келганча кўмак бериши.

→ Экотуризмни жадал ривожлантириш – даромадларнинг бир қисмини ем-хашак далалари, озука майдончаларини ташкиллаштириш, буғуларни жойлаштириш учун ишлатиш мумкин.



Кун давомида ҳайвонларни далаларга чиқиши.

→ Куйи Амударё Давлат биосфера резервати (ҚАДР) кошида, буфер зонасида пант хўжалигини ташкил этиш; пант хўжалиги маҳсулотларини сотиш ҳисобига популацияни баркарор бошқаришга йўналтирилган тадбирларнинг бутун комплексини (кўриқлашни яхшилиш, мониторинг, жойлаштириш, махаллий ахоли ва бухоро буғулари ўртасидаги зиддиятларнинг олдини олиш ва бошқалар) ўз-ўзини молиялаштириш масаласи ҳал этилади.

→ Ҳозирги пайтда ҚАДРнинг жанубий секторида бухоро буғулари кўпайиб кетганлиги муаммоси жуда долзарб эканлигини ҳисобга олган ҳолда, келажакда буғулар яшashi учун тўғри келадиган биотопларда, қурғоқчил зонада интенсив даромадли овчилик хўжалигини ташкил қилиш масаласи борган сари долзарблашиб бормокда. Ўлжа учун ов

ўтказишдан келиб тушган маблағларнинг бир қисми бухоро буғулари ва махаллий ахоли ўртасидаги зиддиятни олдини олишга йўналтирилиши мумкин.

→ Махаллий ахоли ва бухоро буғулари ўртасидаги зиддиятларни олдини олишнинг энг самарадор усулларидан бири буғуларни мос келадиган бошқа яшаш жойларига кўчириш ёрдамида уларнинг сонини тартибиа солишидир. Шу сабабли қисқа муддатларда буғуларни мос жойларга тарқатишни амалга ошириш зарур.

→ Буғуларни бошқа мос ҳудудларга тарқатиш билан боғлиқ масалаларни маълум қилиш учун оммавий ахборот воситаларини жалб қилиш.

→ Ҳосилни буғулар ва тўнғизларни далаларга чиқишлиридан сугурталаш тизмимини ишлаб чиқиши ва ривожлантириши.



МАХАЛЛИЙ АХОЛИ ВА БУХОРО БУГУЛАРИ
ЎРТАСИДАГИ ЗИЛДИЯТНИ ОЛДИННИ ОЛИШ БЎЙИЧА АМАЛГА
ОШИРСА БЎЛАДИГАН ЧОРФА-ТАДБИРЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ОБЗОРИ

М. А. Грицина, Н. В. Мармазинская ва Т. В. Абдураупов